

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

**Тарбиявий ишлар методикаси
фанидан
Семинар машғулотларини бажариш бўйича
услубий кўрсатма**



Термез - 2014

Аннотация.

Мазкур услубий кўрсатма “Бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иши“ йўналиши талабалари учун “Тарбиявий ишлар методикаси ” фанидан талабаларнинг семинар машғулотларини ташкил этиш “Низом” талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унда семинар машғулотлари мавзулари, бажариш тартиби, фойдаланилган адабиётлар рўйхати баён этилган.

Термиз Давлат университети “Умумий педагогика” кафедрасида ишлаб чиқилиб, 2014 йил 28 августдаги №1 сонли кафедра қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи: ўқитувчи Бердиева Х.Б

Такризчи: п.ф.н. Бозорова М.Қ.

Университет ўқув - услубий кенгашининг 2014 йил 30 августдаги № баённомаси билан таълим жараёнига тавсия этилган.

Мазкур услубий кўрсатма ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш Концепцияси ҳамда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тугрисидаги “Низом” талаблариги мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Тарбиявий шлар методикаси” фани бўйича талабаларни семинар машғулотларини ташкил этиш, назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарорига мувофиқ равишда олиб борилади.

Семинар машғулотлари қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинаролди машғулот, семинар ва махсус семинар.

Семинар олди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинаролди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинаролди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзунини ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишланган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўзлайди.

Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида зич алоқа, яъни улар ўртасида икки томонлама алоқа ўрнатилади. Бу эса тарбиявий

аҳамиятга молик бўлади: ўқитувчи талабалар билан узоқ вақт яқин алоқада бўлади, маъруза гуруҳларига нисбатан талабаларнинг кичик гуруҳларида жонли суҳбат олиб боради, ўзаро фикр алмашади, турлича қарашларини ифода этади.

Семинар жараёнида ўқитувчининг ўрни жуда юксак, яъни ўқитувчи талабанинг ўрнига жавобни айтиб бермайди, балки муҳокамаларни ташкил этади, унга дерижерлик қилади.

Семинарда ўқитувчининг кириш сўзи конкрет шароитга қараб талабани муаммога жалб қилади, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасидаги саволлар бўйича аниқликлар киритади, баъзан эса олдинги машғулотлардаги фикрлар эсга туширилади. Шу тариқа семинардаги кириш сўз аниқ, кенг қамровли ва қисқа бўлиши лозим.

Талабаларнинг маърузалари бўйича изоҳлар қуйидагича бўлиши керак:

- мустақил фикрлашга йўналтириб туриш;
- тавсия этилаётган масаланинг моҳияти ва шаклини аниқлаш;
- талабалар баҳсидаги нуқтаи назарларни дарров фарқлаб олиш;
- масаланинг ностандарт ҳал қилинишини рағбатлантириш.

Бундай изоҳларда ўқитувчи муҳокама жараёнида бефарқ турмаётганлигини, ҳар бир семинар иштирокчисининг билдирган нуқтаи назарига эътибор бераётганлигини намоён қилиб туриши лозим.

Ўқитувчи ҳар бир семинар машғулотида яқун ясайди, унда қуйидагилар эътиборга олинади:

- замонавий фан эришган муаммо муҳокамасининг ҳолати умумий даражасига тавсиф бериш;
- айрим талабаларнинг чиқишларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- машғулотга умумий баҳо бериш (талабанинг фаоллиги, унинг тайёргарлик ва ўсиш даражаси, маданияти ва фикрлашдаги хусусиятлари).

Таъкидлаш жоизки, семинар машғулотларида талабаларни фаоллаштириш, улар томонидан рефератлар ёзиш, уларни муҳокама қилиш ва тақриздан ўтказишга олиб келади.

1.1. (V семестр) Семинар машғулотлар мазмуни
Ажратилган соат 10 соат

№	Семинар машғулотлари мазмуни	соат
1	Синфда ижодий анъаналарни қарор топтириш	2 с
2	Ўқувчиларга ягона талаблар қўйиш	2 с
3	Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши	2с
4	Эрталик, байрамларни ўтказишга педагогик талаблар	2с
5	Синфга тавсифнома бериш методикаси	2с
	Жами	10 с

Семинар машғулотлари мавзулари

1-мавзу:Синфда ижодий анъаналарни қарор топтириш (2 соат)

Машғулот мавзуси: Синфда ижобий анъаналарни қарор топтириш.

Машғулот мақсади: Синф жамоасини фаоллаштириш усулларини ўрганиш. Синф жамоасида анъаналарнинг ижобий таъсирини кузатиш усули. Байрам тадбирларини ўтказиш усулларини ўрганиш.

Режа:

1. Синф жамоасини фаоллаштириш усуллари ҳақида.
2. Синф жамоасида анъаналарни таркиб топтириш ва ташкил этиш.
3. Анъаналарнинг долзарблиги ва мазмундорлигининг моҳияти.
4. Анъаналарнинг ўқувчи ҳаётидаги ўрни
5. Тарбиявий ишларда анъаналардан фойдаланиш.
6. Ўқувчиларни яхши урф-одатларга ўргатиш усуллари ҳақида.

Методик таъминот:

1. Жўраев А.Ж. «Тарбиявий дарсларни ўтиш». Т.: «Ўқитувчи», 1994.
2. Мавлонова Р.А, Тўраев О.Т., Хасанбоева О, Холикбердиев К.М. - «Педагогика» Т., «Ўқитувчи» - 2008 й.
- 3.З.Қўзиев. «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш». Т., 1997 йил
- 4.М.Хайдаров. «Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялашда анъаналардан фойдаланиш» Т., 1996
5. Ақлий ҳужум, Муаммоли вазият технологиясини қўллаш.

Электрон таълим ресурслари

1. [www. pedagog. uz](http://www.pedagog.uz)
2. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet. uz)
3. www. edu. uz
4. <http://www.edu-navigator.ru>

2.Машғулот мавзуси: Ўқувчиларга ягона талаблар қўйиш. (2 соат)

Машғулот мақсади: Ягона талабларда синф раҳбари, ота-оналар ва фан ўқитувчиларининг фаолиятини ўрганиш. Мактабнинг қонун ва қоидаларига ўқувчиларни қатъий риоя қилишга ўргатиш усуллари. Ягона талабларнинг афзаллик томонларини ўрганиш.

Режа:

1. Ўқувчиларда ягона талабларни қўйиш моҳияти
2. Талаблар қўйишда ота-оналар ва жамоатчиликнинг ўрни.
3. Ягона талабларни тузишда мактаб ва маҳалланинг имкониятларини ўрганиш.
4. Мактабнинг ягона талабларига ўқувчиларни риоя қилиши.
5. Ўқувчиларга ягона талабаларнинг афзаллик томонлари.
6. Ягона талабларнинг ўқувчиларга тарбиявий аҳамияти.

Методик таъминот:

1. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., 2000 й.
2. Мавлонова Р.А, Тўраева О, Холикбердиев К «Педагогика» Т., 2002 й.
3. А.Жўраев. «Тарбиявий дарсларни ўтиш» Т., 1994 й.
4. Р.А.Мавлонова, Б.Нормуродова. “Тарбиявий ишлар методикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Фан” 2010 й.
5. Ақлий хужум, Идрок харитаси, Муаммоли вазият технологиясини қўллаш

Электрон таълим ресурслари

5. [www. pedagog. uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet. uz)
7. www. edu. uz
8. <http://www.edu-navigator.ru>

3. Машғулот мавзуси: Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши. (2 соат)

Машғулот мақсади: Мактабда ўқувчиларни ўз-ўзини бошқариш усулларини ўрганиш. Ў-ўзини бошқаришнинг тарбиявий ечимини таҳлил

қилиш. Ўқувчиларга ўз-ўзини бошқариш тизимининг афзаллик томонларини ўрганиш.

Режа:

1. Ўз-ўзини бошқариш ишининг мазмуни ва моҳияти ҳақида.
2. Ўз-ўзини бошқариш ишларида ўқувчиларнинг фаоллиги.
3. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларида синф раҳбарининг ўрни.
4. Ўз-ўзини бошқариш ташаббускорлик омилидир.
5. Тарбиявий ишларни ташкил қилишда ўз-ўзини бошқаришнинг аҳамияти.
6. Ўз-ўзини бошқариш орқали ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш.

Методик таъминот:

1. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., 2000 й.
2. К.Хошимов. «Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиявий ишларни ташкил қилиш». Т., 1991 й.
3. У.Қорабоев. «Бадий – оммабоп тадбирлар» Т., 1998 й.
4. А.Мунавваров. «Оила педагогикаси» Т., 1994 й.
5. Ақлий ҳужум, Муаммоли вазият технологиясини қўллаш.

Электрон таълим ресурслари

9. www.pedagog.uz
10. www.Ziyonet.uz
11. www.edu.uz
12. <http://www.edu-navigator.ru>

4. Машғулот мавзуси: Эрталик, байрамларни ўтказишга қўйиладиган педагогик талаблар.

(2 соат)

Машғулот мақсади: Эрталик, байрамларни ўтказишда синф раҳбарининг иш усуллари ўрганиш. Эрталик байрамларни ташкил этишда сценарийсини тузиш методикаси. Эрталик байрамларни ўтказишда педагогик талабларни ўрганиш.

Режа:

1. Эрталик байрамларни ўтказишда ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш йўллари.
2. Эрталик байрамларни ўқувчиларнинг руҳиятига таъсири.
3. Эрталик байрамларни ўтказиш турлари ҳақида.
4. Эрталик байрамларга долзарб мавзунини танлай олиш.

Методик таъминот:

- 1 Жўраев А.Ж. «Тарбиявий дарсларни ўтиш». Т.: «Ўқитувчи», 1994.

2. Мавлонова Р.А, Тўраев О.Т., Хасанбоева О, Холиқбердиев К.М. - «Педагогика» Т., «Ўқитувчи» - 2008 й.
- 3.З.Қўзиев. «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш». Т., 1997 йил
- 4.Р.А.Мавлонова, Б.Нормуродова. «Тарбиявий ишлар методикаси». Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» 2010 й.
5. Ақлий ҳужум, Муаммоли вазият технологиясини қўллаш.

Электрон таълим ресурслари

13. www.pedagog.uz
14. www.Ziyonet.uz
15. www.edu.uz
16. <http://www.edu-navigator.ru>

Машғулот мавзуси: Синфга тавсифнома бериш методикаси. (2-соат)

Машғулот мақсади: Синф ўқувчиларининг тарбияланганлик даражасини ўрганиш усуллар. Синф ўқувчилари ҳақида керакли маълумотларга эга бўлиш. Ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятига қараб тарбиявий ишларни ташкил этиш усулларини ўрганиш. Синфга тавсиянома бериш методикасини ўрганиш.

Режа:

1. Синф ўқувчиларининг билим даражасини аниқлаш.
2. Синф ўқувчиларининг тарбияланганлик даражасини аниқлаш.
3. Синф раҳбарининг тарбиявий ишларини ташкил этиш усуллари.
4. Ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчиларга методик ёрдам кўрсатиш усуллари.
5. Синф ўқувчиларини педагогик кузатиш иш усуллари ҳақида.
6. Синфга тавсифнома бериш методикасини ўрганиш.

Методик таъминот:

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т., 1992 й
- 2.Мавлонова Р.А, Тўраев О.Т., Хасанбоева О, Холиқбердиев К.М. - «Педагогика» Т., «Ўқитувчи» - 2008 й.
- 3.З.Қўзиев. «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш». Т., 1997 йил
- 4.Жўраев А.Ж. «Тарбиявий дарсларни ўтиш». Т.: «Ўқитувчи», 1994.
5. Тушунчалар таҳлили, Муаммоли вазият технологиясини қўллаш.

Электрон таълим ресурслари

17. www.pedagog.uz

1.2. (VI семестр) Семинар машғулотлар мазмуни
Ажратилган соат 8 соат

№	Семинар машғулотлари мазмуни	Ажратилган соат
1	Ота-оналар синф мажлисини ташкил қилиш методикаси	2 с
2	Интизомлиликни тарбиялашнинг усул ва методлари	2 с
3	Ўқувчиларга тарбиявий вазифа бериш	2 с
4	Тарбиявий ишларнинг ўқув жараёнига боғлиқлиги	2 с
	Жами	8 с

Семинар машғулотлари

1.Ота-оналар синф мажлисини ташкил қилиш методикаси(2 соат)

Машғулот мавзуси: Ота-оналар синф мажлисини ташкил қилиш методикаси.

Машғулот мақсади: Ота-оналар билан синф раҳбарининг ҳамкорлик ишларини ўрганиш. Ота-оналар мажлисига синф раҳбарининг тайёргарлик фаолиятини ўрганиш. Синф раҳбарининг ота-оналар мажлисини ўтказиш методикасини ўрганиш.

Режа:

1. Ота-оналарни синф мажлисига жалб қилиш усуллари.
2. Синф раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш усуллари.
3. Синф ота-оналар мажлисида кўриладиган масалаларни режалаштириш усуллари.
4. Синф мажлисини ташкил қилишда синф раҳбарининг маҳорати.
5. Синф ота-оналар мажлисида ота-оналарнинг фикрларини, кизиқишларини, талабларини, шароитларини ҳисобга олиш.
- 7.Синф раҳбарининг ота-оналар синф мажлисини ўтказиш режаси билан танишиш.
8. Синф раҳбарининг «Ота-оналар билан суҳбат» дафтари ва ҳамкорлик ишлари билан танишиш

.Методик таъминот:

1. О.Хасанбоева «Тарбиявий ишлар методикаси». Т., 1996 й.
2. А.Мунавваров. «оила педагогикаси» Т., «Ўқитувчи» 1994 й.
3. О.Мусурмонова «Оила маънавият – миллий ғурур» Т., 1999 й
4. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., 2000 й.

Электрон таълим ресурслари

18. www.pedagog.uz
19. www.Ziyonet.uz
20. www.edu.uz
21. <http://www.edu-navigator.ru>

2-мавзу:Интизомлиликни тарбиялашнинг усул ва методлари(2 соат)

Машғулот мавзуси: Интизомлиликни тарбиялашнинг усул ва методлари.

Машғулот мақсади: Синф жамоасида интизомлилик даражасини аниқлаш усулларини ўрганиш. Ўқувчилар интизомини мустаҳкамлашда синф раҳбари ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарининг ҳамкорлик ишлари билан танишиш. Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда таълим ва тарбия жараёнининг боғлиқлигини таҳлил қилиш.

Режа:

1. Ўқувчининг интизомида оиланинг ўрни.
2. Интизомлиликни ривожлантиришда синф раҳбарининг вазифалари.
3. Синф ўқувчиларининг интизомлилик даражасини аниқлаш усуллари.
4. Синф ўқувчиларига интизомлиликни тарбиялашда мактаб маъмурияти ва фан ўқитувчиларининг иштироки.
5. Интизомлиликни тарбиялашда тарбиявий ишларнинг ижобий таъсири.
- 6.Интизомлиликни тарбиялашда ўқувчиларда тарбиявий машғулотларнинг ўтилишини кузатиш ва таҳлил қилиш.
- 6.Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг режаси билан танишиш.

Методик таъминот:

1. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев. «Педагогика» Т., 2002 й.
2. З.Қўзиев «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш» Т., 1997 й.
3. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., 2000 й.

3-мавзу:Ўқувчиларга тарбиявий вазифа бериш(2 соат)

Машғулот мавзуси: Ўқувчиларга тарбиявий вазифа бериш.

Машғулот мақсади: Ўқувчиларга иймонли ва эътиқодли бўлишни сингдириш усулларини ўрганиш. Ўқувчиларга мустақил билим ва тарбиявий топшириқлар бериш усулларини ўрганиш. Синф раҳбарининг ташаббускор ўқувчилар билан ишлаш методикасини ўрганиш.

Режа:

1. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш.
2. Ўқувчиларга миллий истиқлол ғояларини сингдириш
3. Ўқувчиларда онгли интизомлиликни тарбиялаш.
4. Тарбиявий вазифаларнинг турлари.
5. Тарбиявий ишларни аниқ мақсадга қаратилганлигини асослаб ташкил этиш.
6. Тарбиявий ишларнинг ўқувчилар тарбиясига таъсири.

Методик таъминот:

1. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., 2000 й.
2. О.Хасанбоева «Тарбиявий ишлар методикаси». Т., 1996 й.
3. А.Жўраев. «Тарбиявий дарсларни ўтиш» Т., «Ўқитувчи» 1994 й.
4. Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холикбердиев. «Педагогика» Т., 2002 й.
5. З.Қўзиев «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш» Т., 1997 й.
6. А.Мунавваров. «оила педагогикаси» Т., «Ўқитувчи» 1994 й.
7. О.Мусурмонова «Оила маънавият – миллий ғурур» Т., 1999 й

Электрон таълим ресурслари

1. [www. pedagog. uz](http://www.pedagog.uz)

2. www. Ziyonet. uz

4.Машғулот мавзуси: Тарбиявий ишларнинг ўқув жараёнига боғлиқлиги.

(2 соат)

Машғулот мақсади: Таълим ва тарбия жараёнининг бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қилиш. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг ўқув жараёнига ижобий таъсири асослаб бериш. Ўқув жараёнини бошқариш методикасини ўрганиш.

Режа:

1. Тарбиявий ишларнинг ўқув жараёнига боғлиқлигида синф раҳбарининг ўрни.
2. Ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш усуллари
3. Тарбиявий ишлар орқали ўқувчиларни фанга қизиқтириш усуллари.
4. Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда синф раҳбари ва оналарнинг фаолияти.

Методик таъминот:

1. Бошланғич таълим Давлат стандарти. Т., 2000 й.
2. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., 2000 й.
3. О.Хасанбоева «Тарбиявий ишлар методикаси». Т., 1996 й.

Электрон таълим ресурслари

22. [www. pedagog. uz](http://www.pedagog.uz), www. Ziyonet. uz

